

ХАЛҚ ПЕДАГОГИКАСИДА ВАТАНПАРВАРЛИК ТАРБИЯСИНИ ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ ОРҚАЛИ СИНГДИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Пардаева Комила Умирзақовна ЖДПИ
Умумий Педагогика кафедраси катта ўқитувчиси
Тангирова Феруза 1-курс магистр

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада халқ педагогикаси манбаларидан ёшларда ватанпарварлик хислатларини таркиб топтиришда фойдаланиладиган усул ва воситалари ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: халқ педагогикаси, ватанпарварлик, усул, фуқаролик тарбияси.

ПУТИ ОСВОЕНИЯ ПАТРИОТИЧЕСКОГО ВОСПИТАНИЯ В НАРОДНОЙ ПЕДАГОГИКЕ ЧЕРЕЗ ФОЛЬКЛОР АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются методы и средства, используемые в формировании патриотических качеств у молодежи из истоков народной педагогики.

Ключевые слова: народная педагогика, патриотизм, метод, гражданское воспитание.

Бугунги кунда таълим-тарбия тизимида берилаётган тарбиянинг бош мақсади — ёшлар онгига миллий тарбияни сингдириш учун, халқ педагогикасининг мазмунини ташкил этувчи халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, динига мос ғоялар асосида ёшлар онгига келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйғуларини сингдиришдан иборат.

Ватанпарварлик тарбиясининг асосини миллат, халқ, уларнинг ҳаёт мазмунини ўрганиш орқали миллий ўзликни англашни қарор топтириш ташкил этади. Ўтмиш мутафаккирларининг қарашлари, бой маънавий мероси, ғоялари бугунги авлод учун дастуриламал вазифасини ўтайди. Алломалар, халқ қаҳрамонлари ҳаётини ўрганиш шахсининг инсон сифатида ким эканлигини англаб етишига ёрдам беради.

Ватанпарварлик тарбияси негизида халқ ўтмиши, тарихини ўрганиш, миллий қадриятлар моҳиятини англашга йўналтирилган фаолиятта ўқувчиларни жалб этиш мақсади ётади.

Ватанпарварлик тарбиясининг асосий мақсади — ёшларни жамият талабларига, давлатнинг қонун-қоидаларига, миллий урф-одатларимиз ва қадриятларимизга чуқур ҳурмат-эҳтиромли бўлишга ўргатиш.

Ватанпарварлик тарбиясининг вазифаси эса, ҳуқуқ асосларини, Конституция ва қонунларимизнинг мазмун-моҳиятини, янги қонуний

хужжатлар, ҳуқуқий меъёрларни кишиларнинг, биринчи навбатда, ёшларнинг онги, қалбига сингдиришдан иборатдир.

Халқимиз минг йиллик бой ҳуқуқ ва ҳуқуқий маданиятга эга. Ўтмишда барча ҳуқуқий муаммолар Қуръони карим ва Ҳадиси шариф асосида ҳал этилган. Ислом ҳуқуқшунослиги асосан Қуръони карим ва Ҳадиси шариф негизида шаклланган ва ёшларга шу асосда ҳуқуқий тарбия берилган.

Мустақил Республикаимизнинг таълим-тарбия соҳасида туб бурилиш ясаган «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг мазмуни ҳам миллий турмуш тарзимиз ва маънавий-ахлоқий анъаналаримиз билан ҳамнафасдир. Маърифат халқимиз, миллатимизнинг қонида бор. Анъанавий шарқона қарашларга кўра, маърифатлилик фақат билим ва малакагина эмас, балки маънавият ва гўзал ахлоқ дегани ҳамдир. Халқимиз билимли, комил инсон деганда ана шундай одамларни кўз олдида келтиради.

Энг қадимги даврларга таълим-тарбияга оид қимматли маълумотларни биз халқ оғзаки ижоди намуналарида кўрамиз.

Чунки халқ кўзгуси бўлган халқ оғзаки ижодида халқ педагогикасига хос бўлган тарбия тажрибалари умумлашган.

Хуллас, Ўзбекистонда ўзимизга хос, ўзимизга мос бўлган, такрорланмас, буюк тарихимиз ва анъаналаримизга асосланган, шу билан бирга замон талабларига жавоб бера оладиган Қонун ва Дастур яратилди. Унинг миллийлиги ҳам ана шунда.

Юқоридаги мисолларнинг ҳаммасидан келиб чиқадиган асосий хулоса шуки, бугунги кундаги миллий мафкурамиз, миллий ғояларимиз, барча йўриқномаларимизнинг замирида «Ўтмишсиз келажак йўқ» шиори ётади.

Улуғ боболаримиз яратган барча моддий ва маънавий бойликлар, барча эзгу инсоний фазилатлар, ўзимизга хос урф-одатларимиз ва қадриятларимизни эъзозлаш давлатимиз томонидан қабул қилинаётган қонун ва меъёрий ҳужжатларимизнинг асосини ташкил этади. Бундай гўзал инсоний фазилатлар, одатлар ва қадриятларимизнинг хазинаси, манбаи халқ педагогикаси, яъни халқимизнинг ўз тарихига эга тарбия тажрибасидир.

Таълим-тарбия соҳасида қабул қилинаётган барча давлат ҳужжатларида ана шу муносабатлар яққол кўзга ташланиб туради. Ватанпарварлик, жасурлик, кучлилиқ, мардлик — қадимги кишиларда таркиб топиши зарур бўлган фазилат саналган. Эпосларда хотин-қизларнинг фидойилиги, жасорати, ақл-идроқи, эркалар билан тенг фаолият кўрсатишлари ёрқин ифодаланган. Тарихда Эрон шоҳи Кир кўчманчи сак, массагет қабилалари билан урушгани, мағлубиятга учрагани ҳақида маълумот бор. Полиэннинг «Ҳарбий ҳийлалар» асарида келтиришича, сакларга қарши Доро босқинчилик урушини бошлайди. Қабилла бошлиқлари ҳузурига оддий чўпон Широқ киради ва душманни бир ўзи ҳийла билан енгишини айтади ва енгади ҳам. Ватан озодлиги учун ўз хоҳиши билан ўлимга тик боради. Демак, ривоятлар замирида ҳам тарихий ҳақиқат мавжуд экан-да. Геродотнинг «Тарих» китобида массагетлар ҳукмдори Тўмарис ва

Эрон шоҳи Кир ўртасидаги жанг ва Тўмариснинг қаҳрамонлиги, гўзал жасорати тасвирланади. Қадимги аждодларимиз жасурлик, адолат, садоқат, инсонийликни жуда қадрлашган. Яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги кураш бу хислатларнинг шаклланишига туртки бўлган. Буни биз энг қадимги кишиларнинг кўшиқ ва лирик шеърларида кўрамиз. Халқ оғзаки ижодининг барча жанрлари эртақлар, мақоллар, дostonлар, мифлар, ривоятлар, ватанпарварлик жасурлик ор-номус чидамлилиқ қаҳрамонлик каби хислатлар улуғланади.

АДАБИЁТЛАР

1. А. Авлоний «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ», Тошкент, «Ўқитувчи» — 1992 йил.
2. Зуннунов А., «Ўзбек педагогикаси тарихи», Тошкент, «Ўқитувчи» — 1997 йил, 272 — бет.
3. Пардаева К. Абдулла Авлоний асарлари узлуксиз маънавий тарбия жараёнининг методик манбаси сифатида. Халқ таълими журнали. 2020 йил
4. Pardayeva, K. (2019). THE GREAT UZBEK WRITER ABDULLA AVLONI'S VIEWPOINTS CONCERNING EDUCATION AND UPBRINGING. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol, 7(12).
5. Pardayeva, K. (2020). IT IS IMPORTANT TO STUDY ABDULLA AVLONI'S DIDACTIC HERITAGE AS A PEDAGOGICAL NEED. Архив Научных Публикаций JSPI.
6. Pardayeva, K., Tangirov, A., & Muxammadiyeva, S. (2020). The Use Of The Humanistic Ideas Of Khoja Ahmad Yassavi In The Teaching Of Pedagogical Sciences. Архив Научных Публикаций JSPI.
7. Pardayeva, K. (2020). JADID MA'RIFATI AND ABDULLA AVLONI'S SOCIAL AND PEDAGOGICAL ACTIVITY. Архив Научных Публикаций JSPI.
8. Pardayeva, K. (2020). ABDULLA AVLONI'S WORKS AS A METHODOLOGICAL SOURCE OF THE CONTINUOUS SPIRITUAL EDUCATION PROCESS. Архив Научных Публикаций JSPI.
9. Pardayeva, K. (2020). ABDULLA AVLONIY ASARLARI UZLUKSIZ MA'NAVIY TARBIYA JARAYONINING METODIK MANBASI SIFATIDA. Архив Научных Публикаций JSPI.
10. Pardayeva, K. (2020). UZLUKSIZ MA'NAVIY TARBIYA JARAЁNIDA ABDULLA AVLONIY ASARLARIDAN FOYDALANISH SAMARADORLIGI. Архив Научных Публикаций JSPI.
11. Pardayeva, K. (2020). MA'RIFATPARVAR ABDULLA AVLONIY IJODINING DIDAKTIK XUSUSIYATLARI. Архив Научных Публикаций JSPI.
12. Pardayeva, K. (2020). ABDULLA AVLONI'S WORKS AS A METHODOLOGICAL SOURCE OF THE CONTINUOUS SPIRITUAL EDUCATION PROCESS. Архив Научных Публикаций JSPI.
13. Pardayeva, K. (2020). UZLUKSIZ MA'NAVIY TARBIYA JARAЁNIDA ABDULLA AVLONIY ASARLARIDAN FOYDALANISH SAMARADORLIGI. Архив Научных Публикаций JSPI.